

---

## Президент Халқаро меҳнат ташкилоти раҳбарини қабул қилди

**Шавкат Мирзиёев Тошкент аэропортида Ўзбекистонда ташриф билан бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдерни қабул қилди.**

Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистонда ташриф билан бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер билан учрашув ўтказди. Бу ҳақда президент матбуот хизмати [хабар бермоқда](#).

Ўзбекистон 1992 йилдан буён Халқаро меҳнат ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Бугунги кунга қадар ташкилотнинг 14 конвенцияси, жумладан, 8 асосий конвенцияси ратификация қилинган. 2017 йилдан бошлаб 2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган «Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури» амалга оширилмоқда.

Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларидан хабардорлигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тадбирлар олиб борилмоқда, меҳнат қонунчилигини бузиш ҳолатлари юзасидан тезкор чора кўришга қаратилган мулоқот механизми йўлга қўйилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг миллий координатори офиси очилди.

Учрашувда ХМТ билан барча масалалар, жумладан, янги йўналишлар юзасидан конструктив мулоқотни давом эттириш ва шериклик муносабатларини кенгайтиришга икки томон ҳам тайёр экани таъкидланди.

Меҳмон Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги нормалари халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилаётгани, Ўзбекистон ратификация қилган ХМТ конвенцияларини 2018–2020 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» қабул қилинганига юксак баҳо берди.

Учрашувда шерикликни янада кенгайтириш мулоқотни фаоллаштириш учун мустаҳкам замин яратишига, Ўзбекистонда Бандлик миллий стратегиясини ишлаб чиқишда ХМТ тажрибасидан самарали фойдаланишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ташкилот билан узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, Ўзбекистон томонидан ХМТ конвенцияларини ратификациядан ўтказиш ишларини давом эттириш, меҳнат муносабатлари соҳасида мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касаба уюшмалари ва Иш берувчилар конфедерацияси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида келишувларга эришилди.